

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-июн ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 22 111,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-июн ойларига нисбатан ўсиш суръати 104,3 фоизга тенг бўлди.

2020 йил январь-июн ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 132,0 фоизни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 22 091,6 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,4 % га юқори бўлди.


Январь-июн ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

| | млрд. сўм | | Ўсиш суръати, % да |
|--|-----------------|-----------------|-----------------------|
| | 2019 йил | 2020 йил | |
| I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами | 16 061,6 | 22 111,5 | 104,3 |
| <i>шу жумладан:</i> | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 15 513,9 | 21 801,0 | 104,3 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 547,7 | 310,5 | 104,4 |
| II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 15 513,9 | 21 801,0 | 104,3 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2 113,5 | 2 632,8 | 103,7 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 11 348,1 | 16 818,7 | 105,2 |
| саноат | 10 626,5 | 15 940,8 | 105,5 |

| | млрд. сўм | | Ўсиш суръати, % да |
|---|-----------|----------|-----------------------|
| | 2019 йил | 2020 йил | |
| қурилиш | 721,6 | 877,9 | 100,9 |
| Хизматлар | 2 052,3 | 2 349,5 | 99,6 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 535,9 | 557,2 | 94,4 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 340,4 | 357,1 | 96,9 |
| бошқа хизматлари | 1 176,0 | 1 435,2 | 102,8 |

Январь-июн ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби, (% да)

2019 йил




2020 йил




2020 йилнинг январь-июн ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (105,5 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (103,7 % да), бошқа соҳа хизматлари (102,8 фоиз), тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келди.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 23,0 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2019 йил январь-июнга нисбатан 3,7 фоизли бандга камайди.

2020 йил январь-июн ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси (2019 йил январь-июнга нисбатан, % да)



Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 12,4 фоизни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 1,2 фоизли пунктга камайди.



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари
- бошқа хизмат тармоқлари